

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РУСТАМОВА УМИДА МУХТАРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИДА ПОСТМЕНОПАУЗАЛ ДАВРДА ТИЗЗА
БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРОЗИ ВА ОСТЕОПОРОЗ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК,
ДИАГНОСТИКА, ДАВОЛАШ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия;
14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

Рустамова Умида Мухтаровна

Ўзбекистон аёлларида постменопаузал даврда тизза бўғими
остеоартрози ва остеопороз: ўзаро боғлиқлик, диагностика,
даволаш..... 5

Рустамова Умида Мухтаровна

Остеартроз коленного сустава и остеопороз у женщин Узбекистана
в постменопаузальном периоде: взаимосвязь, диагностика,
лечение..... 27

Rustamova Umida Mukhtarovna

Osteoarthritis of the knee joint and Osteoporosis in women of the
postmenopausal period in Uzbekistan: relationship, diagnostics,
treatment..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РУСТАМОВА УМИДА МУХТАРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИДА ПОСТМЕНОПАУЗАЛ ДАВРДА ТИЗЗА
БЎҒИМИ ОСТЕОАРТРОЗИ ВА ОСТЕОПОРОЗ: ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК,
ДИАГНОСТИКА, ДАВОЛАШ**

**14.00.22 – Травматология ва ортопедия;
14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Tib94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.uzniito.uz), «Ziyounet» ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги (www.uza.uz) порталида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Азизов Мирҳаким Жавҳарович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Миңасов Тимур Булатович

тиббиёт фанлари доктори
(Россия Федерацияси)

Ходжибеков Марат Худайкулович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шатурсунов Шахайдар Шаалиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Андижон давлат тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «28» сентябр соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).


Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36 -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» сентябр кuni тарқатилди.
(2021 йил «14» сентябр даги 36 рақамли реестр баённомаси).




Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш илмий котиби в.в.б,
тиббиёт фанлари доктори


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ёш ўсган сари умумий ривожланиш хусусиятига эга бўлган остеопороз (ОП) ва остеоартроз (ОА) касалликлари ҳамда уларнинг асоратлари ўта долзарб муаммо ҳисобланмоқда. Дегенератив артрит деб аталмиш ОА ва ОП деб аталмиш суяклар минерал зичлигининг (СМЗ) пасайиши ўзига хос ва жуда кенг тарқалган касалликлар бўлиб, миллионлаб инсонлар сезиларли даражада касалланмоқдалар. Ҳар иккала касаллик катта ёшли инсонларда, айниқса аёлларда, уларнинг постменопаузал (ПМ) даврида ногиронликнинг асосий сабабчилари ҳисобланадилар. Халқаро Остеопороз Ассоциациясининг таъкидлашича, «...50 ёшдан ошган ҳар учинчи аёл ОП ва унинг асоратларидан азоб чекмоқда»¹. Дунё миқёсида асоратлар ривожланиши эҳтимоли юқори бўлиб қолаётган остеопороз ва остеоартроз касалликларини эрта даврда ташхислаш, ривожланишини олдини олиш, даволаш масалалари муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ОП ва ОА билан оғриган беморларни ташхислаш, даволаш, улар асоратлари олдини олишга бағишланган самарали усулларни ишлаб чиқиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Асосий тадқиқотлар ОП ва ОАнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, суяк метаболизми ва суяк тўқимаси резорбцияси жараёнларининг бузилишлари, диагностика ва даволаш муаммоларига қаратилган, жумладан, суяк ва тоғай тўқималари регенерациясини яхшилашда илдиз хужайралардан фойдаланиш, минимал инвазив технологияли жаррохлик усуллари ишлаб чиқилмоқда, ПМ давридаги аёлларда ОП ва ОАнинг пайдо бўлишида кальцитонин рецептори генларининг полиморф вариантлари, витамин D ва уни боғловчи оксиллар ва бошқаларнинг аҳамияти аниқланмоқда. Суяк тўқималарида ёруғлик ва атом-кучланишли микроскопия тадқиқотлари ўтказилиб, СМЗ динамикасини аниқлаш орқали ОП ва ОА асоратларини консерватив ва оператив даволаш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада ПМ даврда аёлларда остеопоротик суяк синишлари ва дегенератив жараённинг кучайишига дахлдор бўлган омилларни ҳамда ОП ва ОА орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш, касалликларнинг эрта босқичларида нурли текширувлар ёрдамида семиотикасини ишлаб чиқиш, патогенетик асосланган ташхислаш ва даволаш тактикасини янада такомиллаштириш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг хозирги босқичида таянч-харакат тизими касалликлари бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан, йирик бўғимлар остеоартрозларини ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Кўрсатилаётган тиббий хизматни янада яхшилаш, айниқса ПМ даврдаги катта ёшли аёлларда кўп учрайдиган кўш хасталикларни эрта ташхислаш ва даволашга қаратилган «...аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-

¹ International Osteoporosis Foundation // Facts and statistics, 2017 <https://www.iofbonehealth.org/facts>

қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш...»² юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Тадқиқотнинг долзарб йўналишларидан бири ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни яхшилаш, жумладан диагностика ва даволашни такомиллаштириш, асоратлар профилактикаси, замонавий технологияларни қўллаш ҳамда беморларга ўз вақтида кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июнидаги ПФ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида», 2020 йилнинг 12 ноябридаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йилнинг 6 августида ПФ-3899-сон «Илмий ва инновацион фаолият интеграцияси тизими самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар тўғрисида», 2018 йилнинг 7 декабрида ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. ОП ва ОАни ўзаро боғлиқлиги, диагностика ва даволашга бағишланган тадқиқотлар дунёнинг етакчи тиббиёт илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан: University of Michigan Health System (USA); Institute of Musculoskeletal Sciences, University of Oxford (UK); WHO Collaborating Center for Public Health Aspects of Rheumatic Diseases, University (Belgium); Medical Research Center Oulu University (Finland); National Center for Biotechnology Information (Switzerland); Bone and Joint Research Unit (Spain); Department of Internal Medicine, Erasmus MC (The Netherlands); Nagoya University Graduate School of Medicine (Japan); Chonnam National University (Republic of Korea); Department of Physical Medicine and Rehabilitation Istanbul University (Turkey); India Institute of Medical Sciences (India); Research Institute for Health Development, Kurdistan University of Medical Sciences (Iran); Institute of

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 19 декабридаги ПҚ-№4063 «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

³ Диссертация мавзуси бўйича чет эл тадқиқотлари шарҳи қуйидаги сайтларда ўтказилган <http://www.consilium-medicum.com>; https://www.endocrincentr.ru/sites/rec_osteopor.pdf; <http://www.bsd-journal.com>; <https://online.library.wiley.com>; <https://doi.org/10.3889/oamjms.2018>; <http://share.iofbonehealth.org/WOD/2016>; www.elsevier.com/locate/maturitas; <http://www.biomedcentral.com/> и других сайтлов

Endocrinology and Metabolism, Guangzhou Medical University (Guangzhou, China); Н.Н. Приоров номли Миллий тиббиёт травматология ва ортопедия тадқиқот маркази хузуридаги Илмий-клиник остеопороз маркази; В.А. Насонова номли ревматология илмий текшириш институти (Россия Федерацияси); Д.Ф. Чеботарев номли геронтология институти (Украина); Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда остеопороз ва остеоартроз касалликлари диагностикаси ва уларни даволаш, реабилитация қилиш, асоратларини олдини олиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: касалликларнинг эпидемиологик ва климатик омиллари мавжудлиги аниқланган (Илмий-клиник остеопороз маркази, Россия); консерватив даволаш тактикаси ҳамда асоратларни металлоконструкциялар ёрдамида жаррохлик йўли билан даволаш усуллари ишлаб чиқилган (National Center for Biotechnology Information, Switzerland); остеопорозни даволашдаги турли авлодларга эга бўлган бисфосфонатларнинг юқори аҳамияти аниқланган (National Center for Biotechnology Information, Switzerland; Institute of Musculoskeletal Sciences, Botnar Research Centre, University of Oxford, UK); остеопорозда саркопениянинг роли ва уни аниқлашнинг денситометрик ва антропометрик усуллари; суяк синишлари хавфини аниқлашда FRAX усуллари ишлаб чиқилган (Botnar Research Centre, University of Oxford, UK); ёш, жинс, тана массаси индекси боғлиқлиги (Д.Ф. Чеботарев номли Геронтология институти, Украина); суяк тўқимасига озиқланиш, жисмоний фаоллик таъсири (Institute for Bone and Joint Health; University of Calgary, Canada); витамин Dнинг тана ва суяк массаси, Са миқдори, СМЗ кўрсаткичларига таъсири аниқланган; суяк зичлигини TBS (trabecular bone score) ёрдамида аниқлаш усули (L'universite de Lyon, France) ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ОП ва ОА диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: остеоартрознинг DXA бўйича суяклар минерал зичлиги кўрсаткичлари, аёллар ёши, остеоартроз ва остеопороз касалликларининг ривожланиш хавфини ўсиши, уларнинг кўрсаткичлари ўзаро боғлиқлиги (National Center for Biotechnology Information, Switzerland; Институт геронтології ім. Д.Ф. Чеботарьова, Україна; Научно-исследовательский институт ревматологии им. В.А. Насоновой, Россия), суяк минерал зичлиги динамикасини аниқлаш орқали остеопороз ва остеоартроз асоратларини консерватив ва оператив даволаш усуллари, комбинацияланган терапияда икки томонлама таъсир механизмига эга бўлган препаратлар самараси (Башкирдский государственный медицинский университет, Россия), hip-spine диагностик критерийлар қарама-қаршилиги, остеопороз ва остеоартроз касалликлари бўлган беморларда сон суяги бўйни синишлари ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш, мазкур ҳолатлар антропометрик

маълумотлари турлича (остеоартрозда кўпинча семизлик, остеопорозда эса асосан озғинлик) бўлган катта ёшли аёлларда денситометрик суяк минерал кўрсаткичлари холати, касалликларнинг кечишида ва уларни даволашда витамин Днинг аҳамияти, остеоартроз ва остеопороз ўртасида қарама-қарши ва бир-бирига мос кўрсаткичлар тахлили бўйича этник, климатик хусусиятлар хисобга олинган рандомизик кенг кўламли тадқиқотлар, давом этмоқда (Department of Internal Medicine, Erasmus MC, University Medical Center, The Netherlands; Institute of Musculoskeletal Sciences, Botnar Research Centre, University of Oxford, UK).

Муаммони ўрганилганлик даражаси. ОП ва ОАда учрайдиган сурункали оғриқ катта ва қари ёшларда кўпинча суяк-мускул тизимида функционал етишмовчиликка олиб келади, шу муносабат билан ОП ва ОА ўзаро боғлиқлиги масалаларига катта эътибор берилмоқда (Поворознюк В.В., 2004; Дыдыкина И.С., Максимов Н.А., ва бошқ., 2007; Anne C. Bay-Jensen, et al., 2012; Kanis J.A. et al., 2013; Hellevikyz A.I. et al., 2017; Белая Ж.Е., 2019). Менопауза, остеопороз ва остеоартроз касалликлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақидаги маълумотлар (Annil Mahajan, et al., 2005; Злобина И., Павлова И., 2014; Фомина Л.А., Зябрева И.А., 2017; Тырнов П.В., 2019) келтирилмоқда, узоқ вақт давомида остеоартроз ва остеопороз боғлиқлиги муаммоси муҳокама қилинмоқда (Naitou K., et al. 2000; Корж Н.А. ва бошқ., 2013). Тадқиқотлар популяцион, тўқима, хужайра, молекуляр-генетик, экспериментал соҳаларда ўтказилмоқда (Аврунин А.С., Тихилов Р.М. ва бошқ., 2008; Паникар В.И., 2020), коморбидлик, кечиши, учраши, суяк минерал холати, симптомлар ўхшашлиги аниқланган (L.Lopis E., Padron M., 2007; Минасов Т.Б., 2014), гистоморфометрик тахлиллар орқали остеоартроз бўлган ва сон суяги синиши бўлган холатларда суяк хажми фракциясида минерал зичлик ўхшаш эканлиги исботланмоқда; регионал, климатик, климатерик, этник хусусиятларнинг ҳар иккала касалликка алоқадорлиги муаммосига ҳамда шу асосда диагностика ва даволаш усуллари ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда (Лапина А.В., 2009).

Республикамизда Сурхондарё, Наманган, Тошкент вилоятларида кўкрак-бел умуртқа остеопоротик синишларининг учраши ўрганилган (Шатурсунов Ш.Ш., Мусаев Р.С., 2009), Наманган вилояти аёлларида турли хавф омиллари (Алиханова Н.М., Аббосходжаева Л.С., Исмаилов С.И., 2012), постменопаузал клиник ва эпидемиологик хусусиятлари аниқланган, Хоразм вилоятида МСКТ денситометрик функцияси орқали фертил ва менопаузал ёшдаги аёлларда суяк зичлиги таққосланган (Икрамов А.И., Атабаева К.Ш., Максудов М.Ф.), ПМ даврдаги ўзбек популяцияси аёлларида остеопороз ривожланишида витамин D рецептори генлари аллель ва генотипик вариантлари холати аниқланган, полиморфизм генотипининг корреляцион алоқаси исботланган (Азизова Г.Дж., 2019). ОП синишлар хавфини аниқлаш учун FRAX ишлаб чиқилган (Шакирова М., 2020). Ревматотик артритда рентгенденситометрия тадқиқотлари ўтказилган (Каримов М.Ю., 2005). Артроз жароҳатлари айнан тизза бўғимида энг кўп учраганлиги ва ёш ўтган сари касаллик ривожланиб бориши ҳамда ҳаёт

сифатини ёмонлаштириши аниқланган (Ирисметов М.Э., 2016; Матвеев Р.П., Брагина С.В., 2012).

Замонавий текширувлар кўрсатадики, эстроген етишмовчилиги ОА билан касалланиш хавфини кучайтиради, гормонал алмаштирув терапияси ТБ тоғайига ижобий таъсир қилади, СМЗ камайиши ва ПМ даврининг узайиши билан тўғридан-тўғри корреляцияга эга, СМЗ кўпайганда ОА босқичи кўпайиши, хавф омиллари роли муҳимлиги аниқланган (Родионова С.С., 2014; Dipanshu Sura et al., 2016; Annil Mahajan et al., 2018; Liu Y.P., et al., 2018; Xiao Xu et al., 2019), СМЗ пасайиши ОПда кузатилган (Лесняк О.М., 2004; Martínez Pérez J.A. et al., 2010; Mitali Talsania et al., 2018). ДХА ёрдамида аниқланган сон суяги мустахкамлиги ТБ ОА билан боғлиқлиги, шу билан бирга ОА ва ОП орасида ҳам алоқа борлиги кузатилган (Беляева Е.А., 2011; Multanen J., et al., 2015; Nasrin Moghimi et al., 2019; Аверкина Ю.В., Григорьева И.И. ва бошқ., 2020). ТБ ОАда ёғ ва мускул массаларининг боғлиқлиги аниқланган (Кашеварова Н.Г., Алексеева Л.И. ва бошқ., 2017; Nakan Nur et al., 2018), витамин D дефицитининг ОА ривожланишига таъсири қарама-қарши фикрни туғдирган (Corrado A. et al., 2015; Баженов А.Н., 2016; Егшатын Л.В., 2018; Мокрышева Н.Г. ва бошқ., 2019; Суплотова Л.А. ва бошқ., 2019; Мирзовалиев О.Х., 2020). ОП ва ОА, жиддий касалликлар сифатида умумий тавсифга эга, қарилик ва кўпомилликка боғлиқ, кўп йиллардан бери ўрганилишига қарамай улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бахсга олиб келмоқда ва кейинги текширувларни талаб этмоқда (Савченко Т.Н. ва бошқ., 2017; Zhou P. et al., 2017; Rooja Dhaon et al., 2017). Шундай қилиб, ТБ ОА ва ОПнинг коморбидлиги патогенетик характери ни ўрганиш учун регионал СМЗ, суяк метаболизми маркерлари, Са ва витамин D ҳамда бисфосфонат(БФ)нинг қўлланилиши бўйича тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТСС-7.5-сон «Остеопороз билан кечган суяк шикастланишлари ва касалликлари диагностикасини ва даволашни такомиллаштириш» (2012-2014 йиллар), АДСС 7.3-сон «Йирик бўғимлар остеоартрозлари бўлган беморларда остеоопороз тавсифи ва диагностика ва даволаш тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йиллар) номли илмий текшириш мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади постменопаузал даврдаги ўзбек популяциясига мансуб аёлларда клиник-инструментал текширувлар ёрдамида остеоопороз ва тизза бўғими остеоартрозини эрта босқичларда диагностика қилиш, структурал-функционал боғлиқлигини аниқлаш орқали комплекс даволаш усуллари ни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

рентгенография (РГ), мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ), ультратовуш таъхиси (УТТ), магнит-резонанс томографияси (МРТ),

рентгенденситометрия (DXA) каби замонавий тиббиёт визуализацияси усулларини қўллаган холда тизза бўғими (ТБ) ОАнинг нурли тавсифини СМЗ ва ёшга кўра таърифлаш;

планиметрик ўлчовлар ёрдамида ТБ ОА эрта босқичларининг рентгенологик диагностика усулини ишлаб чиқиш;

ТБ ОА бўлган аёлларда суяк тўқималарининг структурал-функционал ҳолатига асосий омиллар таъсирини аниқлаш;

ТБ ОА бўлган ва бўлмаган аёлларда СМЗ (T-score, BMD) ва минерал моддалар миқдорини умуртқа, сон суягининг проксимал қисми ва билак суяклари соҳасида аниқлаш;

ТБ ОАнинг босқичлари, аёлларнинг ёши, вазни, ПМ даврининг давомийлиги, суяк тўқимаси резорбциясининг интенсивлик даражаси, саркопения, томирлар ўзгаришларига кўра СМЗнинг пасайиши ва дегенератив ўзгаришлар орасида ўзаро боғлиқликни баҳолаш;

ОП ва ТБ ОА бўлган аёлларда суяк метаболизмини баҳолаш;

хавф гуруҳидаги аёллар учун ТБ структурал-функционал ҳолатини ёшга ва остеопоротик ўзгаришларнинг даражасига нисбатан баҳолаш учун оптимал диагностик алгоритм таклиф қилиш;

ТБ ОА бўлган аёлларда ОЯ&ОПни комбинацияланган усулда даволаш орқали СМЗ сифатига ва ОА даражасининг кечишига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт марказида 2011-2019 йилларда ТБ ОА ва ОАсиз 2217 та ПМ давридаги комплекс инструментал текширилган ва даволанган аёллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети клиник, нурли ва лаборатор текширувлар, статистик маълумотларнинг натижаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Текширувлар жараёнида клиник, антропометрик, рақамли рентгенологик, ультрасонографик, доплерографик, денситометрик, МСКТ, МРТ, электромиографик (ЭМГ), лаборатор текширув усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тизза бўғими ёриғи проекцион майдонини рентгенпланиметрик ўлчаш орқали остеоартрознинг эрта босқичларини ташхислаш усули ишлаб чиқилган, бунда «Z» кўрсаткичи ТБ ОАнинг бошланғич босқичи диагностикасида асосий патологик мезон эканлиги исботланган;

тизза бўғими остеоартрозининг кечки (III,IV) босқичларида бўғим суяклари зичлигининг ўртача қиймати 148,98 НУ бирлигидан ошмаслиги, резорбция зоналари Хаунсфилд шкаласининг манфий спектрида бўлиши, бунда субхондрал қаватларнинг визуализацион зич кўриниши, бинобарин 260-430 НУ бирлигидан ошмаслиги исботланган;

тизза бўғими остеоартрозининг кечки (III,IV) босқичларида рентгенограммада катта болдир суяги эпифизи баландлигининг пасайиши, эпифиз визуализацион қалинлиги сийраклашган суяк трабекулалари бир-

бирига яқинлашиши ҳисобига шаклланиши, DXАнинг BMD ва BMC маълумотлари R4; R5 регионларида локал пасайиши исботланган;

тизза бўғими остеоартрози ва остеопорози бўлган семиз ва ортиқча вазнли аёлларда, дегенератив жараённинг кечки босқичларида, МРТ кесимларида соннинг дистал ички қисми ёғ қатламларининг қалинлиги ва мускулларнинг гипотрофияси, ЭМГ интерференцион паттернлар визуализациясининг заифлиги, саркопеник индекснинг пасайиши аниқланиши орқали саркопениянинг коморбидлиги исботланган;

остеоартроз бўлган ва бўлмаган постменопаузал давридаги ўзбек популяциясига хос аёлларда суяк минерал зичлигининг биринчи марта ишончли фарқлари ва ёш бўйича динамикаси, суяк тўқимасининг ёш ўсган сари камайишининг бошланиш муддатлари ва интенсивлиги аниқланган;

постменопаузал даврдаги бирламчи остеоартрози бўлган катта ёшли аёлларда остеопороз ва остеопениянинг умумий частотаси кўпроқ аниқланиши, умумий ҳолатда остеопения остеопорозга нисбатан кўпроқ учраши, бунда T-scoreнинг ўртача қиймати $-2,0SD$ ни ташкил этиши, лекин суяк минерал зичлигининг пасайишининг бошланиши DXА бўйича spine қисмига хос эканлиги исботланган;

бирламчи остеоартроз ва остеопороз бўлган постменопаузал давридаги катта ёшли ўзбек популяциясига мансуб аёлларда суяк метаболизми баҳоланган ва витамин D етишмовчилиги, суяк емирилиши даражасининг ўртача даражада кучайиши аниқланган;

ТБ ОА бўлган аёлларда ОПни комбинацияланган усулда даволаш орқали СМЗ сифатига ва ОА даражасининг кечишига ижобий таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ТБнинг орқа-олд функционал проекциясида рентген аппарат мониторида планиметрик ўлчов диагностикаси ишлаб чиқилган ва у диагностикани соддалаштириш, ишончли маълумотлар бериш, текширув вақтини қисқартириш имкониятини бериши исботланган;

тизза бўғими остеоартрози ва остеопороз частотаси, бунда ривожланиш хавфи омиллари - ортиқча тана оғирлиги ва семизлик, постменопаузал бошланғич давр, кекса ёш ва остеоартроз босқичларининг ўсиши, томирларда интима-комплекснинг қалинлашиши ва варикоз ўзгаришлар ҳисобланиб, уларнинг суяк тўқималари ва бўғим элементларида структурал-функционал ривожланишига салбий таъсири аниқланган;

ТБ ОАда суяк структураси баҳоланган, ОА босқичларига кўра барча кўрсаткичлар градация қилинган, нурли семиотика таърифи тузилган, бунда ОАнинг III ва IV босқичларида, айниқса варусли деформацияларда, ўзгаришлар латерал сегментда ҳам кўпайиши, бунда медиал сегментдаги ўзгаришлар максимал даражада бўлиши аниқланган;

гиподинамия роли умумий ҳолсизлик, ишга лаёқатнинг пасайиши, тез чарчаб қолиш, энг асосийси пассив турмуш тарзи каби симптомлар билан баҳоланган, таққослаш натижасида бирламчи ОАда гиподинамия частотаси

(семизлик ва метаболик бузилишлар билан бирга) юқорироқ эканлиги исботланган;

ТБ ОА ва ОП коморбидлиги, ўзбек популяциясига мансуб катта ёшли аёлларда СМЗнинг ўртача қиймати кўрсаткичлари аниқланган, аёллар ёши ва остеопоротик ўзгаришлар даражаси ҳамда ТБнинг структурал-функционал ҳолати ўртасида ўзаро боғлиқлик исботланган;

ТБ ОА бўлган катта ёшли аёлларда ОПни кальций ва витамин D, бисфосфонат, кальцийнинг фаол метаболити қўлланган ҳолда оптимал даволаш комбинацияси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги объектив клиник, антропометрик, нурли, электрофизиологик ва лаборатор текширувлар ҳамда беморларнинг етарли сони ва статистик таҳлил натижалари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ТБ ОАни эрта даврда диагностика қилишнинг нурли усули ва мезонлари, дифференциал нурли (рентген-сонографик) характеристикасини касаллик босқичлари, кўрсаткичлар градацияси ва вариантларига кўра ишлаб чиқиш, ўзбек популяциясига мансуб аёллар учун диагностика-даволаш-профилактика алгоритмини ишлаб чиқиш, ОП ва ОА босқичлари ўртасидаги корреляция боғлиқлиги ва касалликни ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишончли диагноз қўйиш мақсадида ТБнинг дегенератив касалликларида текширувлар ўтказиш учун ишлаб чиқилган фойдали модель, текширувлар вақтида оёқ мучаларини оптимал ётқизиш услуги, булар натижасида бир хил турдаги тасвирларнинг олинishi, Ўзбекистон аёллари популяциясига хос суяк тўқималари шаклланишининг тугалланиш чўққисидаги СМЗни ёшга нисбатан аниқланиши, диагностика ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқишдаги илмий асосланган ёндашувнинг диагностик хатолар ва даволашнинг номаъқул натижалари фоизини камайтиришга имкон бериши, ОП ва ОАнинг ривожланиш омилларини аниқлаш, уларнинг профилактика учун регионал стратегия асоси бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Остеопороз ва тизза бўғими остеоартрозида ўзаро боғлиқликни ўрганиш, диагностика ва даволаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

ишлаб чиқилган «Тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликларини диагностика қилиш усули» учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05341, 21.02.2017). Олинган натижалар постменопаузал давридаги аёллар тизза бўғимлари остеоартрози босқичларини батафсил аниқлаш, диагностикани соддалаштириш, текширув вақтини 3 баробар камайтириш имконини берган;

«Тизза бўғимида рентгенологик, ультратовушли ва денситометрик комплекс текширувлар» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йилнинг 22 декабри 8н-д/260-сон маълумотномаси). Олинган натижалар остеопороз ва остеоартроз ташхисини

яхшилашга, рентгенологик ва ультратовушли мезонларни таққослашга имкон берган;

«Менопаузал даврдаги аёлларда остеопороз ва тизза бўғими остеоартрозини диагностика қилиш ва даволаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2020 йилнинг 22 декабри 8н-д/260-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ишончли равишда диагностика қилиш, остеопороз ва остеоартроз ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиш, патогенетик даволашни оптималлаштириш ва даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган.

Олинган илмий натижалар соғликни сақлаш амалиётига, жумладан Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Бухоро ва Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалиётига жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2020 йилнинг 22 декабри 8н-д/260-сон маълумотномаси). Олинган натижалар постменопаузал давридаги остеопороз ва тизза бўғими остеоартрози бўлган аёлларда рационал диагностика тактикасини аниқлаш, диагностика сифатини ошириш ва суяклар минерал зичлиги ўсиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 21та, жумладан 11та халқаро ва 10та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясини диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 16та илмий мақола, жумладан 11таси республика ва 5таси хорижий журналларда нашр этилган, 1та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва ҳозирги замон талабларига мослиги асосланган, мақсад, тадқиқот вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар берилган, иш натижаларини нашр этиш, диссертациянинг ҳажми ва қисқа тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Остеопороз ва тизза бўғими остеоартрозининг ўзаро боғлиқлиги, диагностикаси, даволашнинг замонавий жиҳатлари (адабиётлар шархи)**» деб номланган I бобида адабиётлар шархи келтирилган, унда ОП ва ОА ўзаро боғлиқлиги муаммосининг клиник ва тиббий-ижтимоий томонлари ёритилган, диагностика ва тадқиқот усуллари масалаларининг

замонавий ҳолати, СМЗ, коморбидлик омиллари ва даволаш масалалари ёритилган. Ишлаб чиқиш керак бўлган дискутабел ва хал қилинмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг «Клиник материал ва текшириш усуллари тавсифи» деб номланган II бобида белгиланган вазифаларга хос текширувлар тавсифи келтирилган. 2217 нафар ПМП давридаги ПМ даври 1 йилдан кам бўлмаган, охирги яшаш жойида камида 10 йил яшаган аёллар текширилди. 1539 нафари ТБ ОА билан, 2та асосий гуруҳга анамнезига кўра бўлинган: 1) бирламчи ТБ ОА бўлган 1-асосий гуруҳ аёллари (882 нафар, 39,78%); 2) посттравматик ТБ ОА бўлган 2-асосий гуруҳи аёллари (653 аёллар, 29,45%); ОАсиз аёллар назорат гуруҳига киритилди (682 аёллар, 30,76%). Аёллар ёши 36дан 89гача, ўртача $56,47 \pm 0,28$ ёш. Аёллар ёшга қараб бўлинди: 50 ёшгача, 51-60 ёш, 61-70 ёш, 71 ва ундан катта ёш. СМЗни аниқлашда рентген-денситометрия (DXA)дан фойдаланилди, «ОП» ёки «ОЯ» диагнози Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти белгилаган T-score мезонларига кўра қўйилди, бунда: ОП - T-score $-2,5SD$ ва ундан паст бўлганда, ОЯ - T-score $-1,0SD$ дан $-2,5SD$ гача, оғир даражадаги ОП $-T-score -2,5SD$ дан паст ва суяк синиши бўлган ҳолларда («ОП» ва «Оғир ОП» бир гуруҳга қўшилди), нормал СМЗ - T-score $-1,0$ дан баланд бўлганда (1-жадвал).

1-жадвал

СМЗ (T-score) бўйича аёлларнинг гуруҳларга бўлиниши


ЖССТ мезонлари	I асосий гуруҳ	II асосий гуруҳ	III назорат гуруҳи
Норма	149 (20,03%)	249 (51,55%)	265 (48,35%)
ОЯ	388 (52,15%)	172 (35,61)	217 (39,59%)
ОП	207 (27,82)	62 (12,84%)	66 (12,06%)
Всего	744 (100,0%)	483 (100,0%)	548 (100,0%)

Барча аёлларда анамнез, клиник, инструментал маълумотлар ўрганилди. WOMAC-индекслар бўйича функционал тестлар ўтказилди (оғриқ даражаси, функционал фаоллик, эрталабки тана чекланиши, мускул чарчоғи, юриш мувозанатини бузилиши ва бошқ.), гиподинамия ҳолатлари ўрганилди.

556 нафар аёл ТБда рентгенологик текширувлар ўтказилди, семиотикаси ўрганилди. Аёллар ОАнинг босқичларига кўра бўлинди (0, I, II, III, IV), бунда Kellgren & Lawrency классификациясидан фойдаланилди. МСКТ ТБ суяклари кортикал ва ғовак қаватларнинг тузилишини ўрганиш учун 1-гуруҳда 24 аёлда ўрганилди, натижалар РГ, DXA маълумотлари билан солиштирилди. 541 аёлда УТТ ўтказилди, бўғимнинг юмшоқ тўқималари ҳолати 325 аёлда ўтказилган МРТ маълумотлари билан солиштирилди. Сонар денситометрия билан 198 аёлда ультратовушнинг суяк тўқималаридан ўтиш тезлиги (SOS) ўрганилди, рентгенологик DXA ёрдамида 1866 аёлларда бел умуртқалари (Spine), сон суяги проксимал қисмларида (Hip), билан суяklarининг дистал қисмларида (Forearm) СМЗ (T-score, BMD, BMC) ҳолати ва ОА билан боғлиқлик ўрганилди. «Бутун тана» (Total body) дастури билан семизлик ҳолати булган аёлларда суяк, мускул, ёғ тўқималари нисбати таққослама ўрганилди. Допплер сонографияси билан оёқларда томирлар патологияси 650 аёлда ўрганили, бошқа текширувлар билан

солиштирилди. 2202 аёлда тана массаси индекси (ТМИ) Кетле бўйича ҳисобланди: I (ТМИ, кг/м²) = m (вазн, кг): h^2 (бўй, метрда). Саркопеник индекс ҳисобланди, унинг кўрсаткичлари МРТ ва денситометрик маълумотлар билан солиштирилди. 269 нафар аёлларга лаборатория текширувлари ўтказилди, жумладан ОП маркерлари ва макроэлементлар аниқланди ва маълумотлар солиштирилди. ЭМГ 32 нафар бирламчи ОА бўлган аёлларда ўтказилиб, оёқлар мускуллари фаллиги текширилди ва СМЗ маълумотлари билан солиштирилди.

Диссертациянинг «**Постменопаузал даврдаги аёлларда клиник-инструментал текширувлар натижалари**» деб номланган III бобида клиник-диагностика тадқиқотлари натижалари келтирилган. Клиник-анамнестик, антропометрик маълумотларни йиғишда ишни осонлаштириш учун сўровнома-дастур ишлаб чиқилган. Постменопаузал ёш ўртача 46,84ни ташкил этди. ПМ даври 1 йилдан 49 йилгача, ўртача 9,48 йилни ташкил этди. СМЗнинг умумий кўрсаткичлари регионал пасайиш борлигини, айниқса Тошкент шаҳрида (32,77%)ни кўрсатди. Антропометрик кўрсаткичлар аниқланди (1-расм). ОАнинг ОП билан бирга кечишида хавф омиллари аниқланди: кекса ёш, ПМПнинг бошланғич даври, бўйнинг чўкиши, вазн етишмовчилиги ёки 1-2-3 даражали семизлик, ортиқча жисмоний ва механик юк, варикоз касаллиги, гиподинамия, анамнезда бўғим шикасти, гипертония ва артрит ҳолатлари. ТБ ОАда РГнинг проекцион бўғим ёриғи (БЁ) бўйича планиметрик ўлчов ўтказиш орқали диагностика усули ишлаб чиқилган, бунда проекцион майдонлар фарқи - «Z» 10-98,8 мм.кв.га тенг, агар бир ТБда РГ ўтказилган бўлса, БЁнинг камайган проекцион майдон ўртача 388±89 мм.кв.га тенг, усул ТБ ОАнинг эрта босқичларини аниқлашга ишончли равишда ёрдам беради.



1-расм. Вазнга кўра аёлларни тақсимланиши

ТБ тузилиши диагностик баҳоланиб, босқичларнинг семиотикаси тасвирланди, бунда БЁ, остеофитоз, медиал сегмент ўзгаришлари, регионар ОП, кечки босқичларда бўғим юзаларининг текислашуви, катта болдир суяги эпифизининг ички баландлиги пасайиши ҳолатлари аниқланди. Барча кўрсаткичлар ОА босқичига кўра градация қилинди. Кечки босқичларда учрайдиган «субхондрал склероз» симптоми аслида склероз эмас, балки суяк трабекулаларининг сийракланиши ва бир-бирига босим остида яқинлашиши ҳисобига юз берадиган қалинлашиш эканлиги аниқланди. Тўғри диагноз

кўйиш мақсадида оёқ мучаларини фиксация қилиш ва тўғри ётқизиш, ишончли рентген маълумотларини олиш ва ОА босқичларини тўғри аниқлаштириш учун мослама ишлаб чиқилди, ОА нурли ташхиси учун электрон ҳисоблаш дастури (ЭХМ) дастури ва диагностика мезонлари ишлаб чиқилди, бунда Kellgren&Lawrencу классификациясидан фойдаланилди. ТБ ОАнинг III-IV босқичларида бўғимнинг латерал қисмида ҳам ўзгаришлар кўпаяди, лекин медиал қисмда максимал даражада бўлади. Ўзгаришлар айниқса варус деформацияси ҳолати кучайганда бўлади. 3D МСКТ тасвири орқали суяк тўқималарининг миқдорий тавсифи НУ бирликларида, сифатли тавсифи эса ТБ субхондрал ва ғовак суяк қисмларининг зичлигини ўлчаш орқали аниқланди. ОАнинг кечки босқичларида суяк структураси 148,8 НУ бирлигидан ошмади, Хаунсфилд шкаласи бўйича манфий спектрда бўлган резорбция зоналари аниқланди, бу зоналар умумий тўқималар сиқилиши фонида визуализацион «субхондрал склероз» сифатида зичроқ кўринган, аслида зичлик 260–430 НУ бирлигидан ошмаган. ТБ ОА сонографик тавсифи анализ қилинган, натижада УТТ усули бўғим интерпретацияси бўйича оптимал ва универсал эканлиги исбот қилинди, юмшоқ тўқималар ҳолати ОАда батафсил ёритилди.

Допплерографияда сурункали веноз етишмовчилиги, варикоз трансформация ТБ ОАда (82% гача) кузатилди, ўзгаришлар ёш, вазн ошиши, ОА ривожланиши, СМЗ пасайишига қараб ошиб борди. МРТ натижалари РГ маълумотларига таққосланди. Семизлик бўлган аёлларда МРТ кесимларида соннинг пастки учлигида саркопения визуал картинаси кузатилди – ёғ ва мушак қатламлари солиштирилганда, сон ёғ қатламларининг ўртача 2-2,5 баробар қалинлашиши маълум бўлди. ДХА бўйича 1-асосий гуруҳ 585 беморларда СМЗ пасайиши 78,97% гача кузатилди, ундан ярмидан кўпини (51,15%) ОЯ ташкил қилди, 2-асосий гуруҳда эса СМЗнинг нормал кўрсаткичлари кўпроқ учради (260 аёл, 51,55%). Назорат гуруҳида нормал СМЗ ва ОЯ кўпроқ учради ва 299:235(5:4) нисбатни ташкил этди (2-жадвал). СМЗ динамикаси ёшга нисбатан кузатилди (3-жадвал).

2-жадвал

СМЗнинг гуруҳларда умумий кўрсаткичлари

Гуруҳлар ва аёллар ёши	СМЗ (T-score), n			
	N	ОЯ	ОП	Итого
1-асосий гуруҳ	144 (20,03%)	383 (51,15%)	202 (27,82%)	729 (100,00%)
2-асосий гуруҳ	260 (51,55%)	183 (35,61%)	74 (12,84%)	483 (100,00%)
Назорат гуруҳи	299 (49,91%)	235 (38,45%)	82 (11,64%)	617 (100,00%)
Жами	744 (41,47%)	483 (26,92%)	567 (31,61%)	1794 (100,00%)


3-жадвал

СМЗнинг ёшга нисбатан динамикаси, SD

Гуруҳлар ва аёллар ёши	СМЗ (T-score), ўртача қиймат				
	50 ёшгача	51-60 ёш	61-70 ёш	71 ёш ва юқори	Ўртача қиймат
1-асосий гуруҳ	-0,88	-1,58	-1,81	-2,25	-1,65
2-асосий гуруҳ	-0,25	-0,81	-1,28	-1,84	-0,73
Назорат гуруҳи	-0,47	-1,05	-1,29	-1,92	-0,92

Жами	-0,53	-1,15	-1,46	-2,00	-1,10
------	-------	-------	-------	-------	-------

Жадвалдан кўринадикки, бирламчи ТБ ОАда СМЗнинг $-2,25SD$ гача пасайиши қайд этилди. BMD&BMC 70 ёшгача T-score каби ўзгарди, 70 ёшдан кейин эса сезиларли пасайди. СМЗнинг сезиларли пасайиши умуртқа соҳасида кузатилди (2-расм).



2-расм. T-сценнинг стандарт дастур бўйича олинган умумий кўрсаткичлари

Лаборатор текширувларда витамин D барча гуруҳларда пасайди, β -CrossLaps ва OC асосан 1-асосий гуруҳда пасайди, лекин ТБ ОА босқичига кўра ўзгарди. Кўрсаткичлар тахлили кўрсатдики, ТБ ОА ва ОП ҳолатида суяк шаклланиши пасайди, резорбция эса кучайди. ЭМГ ПМ давридаги аёлларда мушаклар заифлигини кўрсатди, ОА ҳолатида 10-20% гача ўзгарди.

Диссертациянинг «Текширувлар натижаларини таққослама ва корреляция тахлили» деб номланган IV бобида вазн омили ўзбек аёллари популяциясида энг асосий эканлиги ва ОАда ижобий корреляцияга учраши аниқланди, бунда 1-асосий гуруҳда ортикча вазн ва 1-даражали семизлик кўпроқ, иккинчи ўринда 2-асосий гуруҳда учради, айниқса II ва III ОА босқичларида. ОА босқичларига кўра 1-асосий гуруҳда III босқичда вазннинг текис ошиши кузатилди, 2-асосий гуруҳда ортикча вазн ва семизлик асосан III босқичда кузатилди. Хулоса қилиш мумкинки, 1-асосий гуруҳда ўзаро муносабат метаболик жараёнлар туфайли бўлса, 2-асосий гуруҳда ТБнинг функционал чегараланиши туфайли кечаётган бўлиши эҳтимоли кўрилади.

Тананинг композицион таркибини баҳолаш, яъни мушак ва ёғ тўқималари DXA (total body) ёрдамида саркопения индекси ва мушак массаси ОА босқичига ва СМЗ пасайишига боғлиқлиги аниқланди. Мушак ва ёғ массаси ҳамда мушак ва ёғ ўртасида нисбат аниқланди: 0 босқичда - 5,698; I босқичда - 6,29; II босқичда - 6,21; III босқичда - 5,99; IV босқичда - 5,75, бу ҳолат саркопения индекси ОА босқичи ўсган сари пасайиши, бу ҳолат айниқса IV босқичда кўпроқ пасайиши кузатилди. Саркопениянинг роли DXA мушак массаси ва умумий саркопения индекси (DXA ва антропометрик) кўрсаткичлар фарқи орқали ҳам аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Саркопения индекси мушак массаси билан таққосланиши

Босқичлар	0 босқич	1 босқич	2 босқич	3 босқич	4 босқич	Назорат
Норма	5,491	5,223	5,198	5,479	5,355	6,183
Ортикча вазн	6,224	6,385	6,389	6,246	5,564	6,678

1 даражали семизлик	5,698	6,51	6,346	5,617	5,998	6,853
2 даражали семизлик	6,666	6,724	6,367	6,383	6,022	6,336
3 даражали семизлик	7,481	6,638	6,788	6,246	5,822	6,527
Умумий саркоиндекс	6,310	6,290	6,210	5,990	5,750	6,510
Пост масса	6,070	6,050	5,97	5,750	5,51	5,870
Камайиш фарқи	0,24	0,24	0,24	0,24	0,24	0,64

Таққослаш кўрсатдики, мушак массаси индекси саркоиндексдан пастрок кўрсаткични берди, яъни сезиларли фарқ кўриняпти, ўртача фарқ 0,64ни ташкил этди. Натижалар саркопения на фақат вазн дефицитида, балки семизликда, айниқса ОАнинг кечки босқичида учрайди. Мушак ва ёғ массаси 1- ва 2-асосий ҳамда назорат гуруҳларида қуйидагича бўлди (5-жадвал).

5-жадвал

DXA total body бўйича мушак ва ёғ тўқималари нисбати

DXA кўрсаткичлари	Мушак/г	Ёғ/г	Фарқ
1-асосий гуруҳ, n=184	32539,22	42234,39	9695,17
2-асосий гуруҳ, n=155	34856,35	42392,70	7536,35
Назорат гуруҳи, n=135	32757,51	36858,39	4100,88
DXA кўрсаткичлари	Мушак массаси	Ёғ массаси	Фарқ
1-асосий гуруҳ, n=184	6,0524	7,7902	1,74
2-асосий гуруҳ, n=155	6,1507	7,3589	1,21
Назорат гуруҳи, n=135	6,1188	7,0187	0,90
DXA кўрсаткичлари	Мушак массаси,%	Ёғ массаси,%	Фарқ
1-асосий гуруҳ, n=184	43,1351	54,9005	11,76
2-асосий гуруҳ, n=155	45,2731	52,8558	7,58
Назорат гуруҳи, n=135	46,0748	51,8108	5,73

Мушак ва ёғ тўқималари орасида кўрсаткичлар нисбати анча фарқни кўрсатди. Ёғ тўқималари бирламчи ОА гуруҳи аёлларида сезиларли бўлиб (11,76), назорат гуруҳида (5,73) кам бўлди. Семизлик бўлган 1550 аёллардан 753 (48,58%) нафарида абдоминал-сон семириш тури кўп учради.

ПМ даври ва СМЗ (T-score) ўртасидаги боғлиқлик манфий корреляция коэффициентига эга бўлиб, барча гуруҳларда учради, ПМ даври ошган сари СМЗ камайиб борди, бу ҳолат менопауза даврида яққол сезилди (6-жадвал).

6-жадвал

ПМ даври узунлиги ва ОА босқичлари ўртасида боғлиқлик

ПМП давр	0 босқич	1 босқич	2 босқич	3 босқич	4 босқич	Жами
5 йилгача	25(13,37%)	30(16,04%)	6(35,83%)	40(21,39%)	2(1,07%)	187(100%)
10йилгача	12 (6,25%)	31(16,15%)	68(35,42%)	73 (38,02%)	8(4,17%)	192 (100%)
20йилгача	11 (3,24%)	58 (17,11%)	120(35,40%)	132(38,94%)	18(5,31%)	339 (100%)
>20 йил	4 (2,44%)	23 (14,02%)	41 (25,00%)	99 (60,37%)	20(12,20%)	164 (100%)

ТБ ОАнинг IV босқичида касаллик сони кам учради, лекин частота динамикаси СМЗнинг даврига кўра сақланиб қолди, бу ҳолат беморларнинг умумий сони нисбатан камлиги билан изоҳланиши мумкин. 2-асосий гуруҳда бундай динамика кузатилмади.

Гиподинамия сўровнома орқали умумий ҳолсизлик, меҳнатга лаёқатнинг камайиши, тез чарчаб қолиш, пассив турмуш тарзи каби симптомлар билан белгиланди, 1-асосий гуруҳда ўртача балл 10дан 5,07ни, 2-асосий гуруҳда

3,88ни ташкил этди, ҳар иккала гуруҳда гиподинамия кузатилди, лекин 1-асосий гуруҳда гиподинамия бирмунча кўпроқ учради. Ўхшаш кўрсаткичлар гипертониянинг учрашида ҳам кузатилди, 1-асосий гуруҳда 555 (64,4%) аёлда, 2-асосий гуруҳда 329 (50,23%) аёлда кузатилди, гипертониянинг коморбидлиги 1-асосий гуруҳ билан кузатилди. Гипертония ва СМЗ ўртасида боғлиқлик 1-асосий гуруҳда (n=475, 65,42%) кўпроқ, 2-асосий гуруҳда эса (n=251, 34,57%) камроқ кузатилди.

РГ интерпретациясида бирламчи ОАнинг кечки босқичи бўлган 178 аёлдан 112 нафарида варусли деформацияга интилиш кузатилди, бунда суяклар ўқининг бирмунча тўғриланиши, нормадаги вальгус холатини йўқота бошлаши кузатилди. 24 холатда вальгусли деформация учради, бундан 14 кишида катта болдир суяги проксимал қисми варусли деформацияси бирга учради. 42 аёлда патологик суяклар ўқи деформацияси учрамади. Ўхшаш аналогик ўзгаришлар 150 нафар иккиламчи ТБ ОАда кузатилиб, варусли деформация 85 аёлда, вальгусли деформация 16 аёлда, вальгус-варус биргаликдаги холат 7 аёлда кузатилди.

Стимуляцион ЭМГ бирламчи ОАда бир томонлама оғрик синдромида ҳар иккала оёқ сон мушакларида ихтиёрий биоэлектрик фаоллик тинч ва таранглик холатида ўтказилди. Амплитуда катталигининг пасайиши хисобига биопотенциаллар асимметрияси аниқланди: m. Rectus – оғриқли томонда 338,4 мкВ, қарама-қарши томонда 536,6 мкВни; аналогик равишда m. Vastus medialis - 272,0 мкВ ва 432,6 мкВ; m. Vastus lateralis - 357,8 мкВ ва 604,6 мкВ; m. Semitendinosus - 374,6 мкВ ва 561,8 мкВ; m. Biceps femoris 394,2 мкВ ва 556,0 мкВни ташкил этди. Фаолликнинг пасайиши оғриқли томонда сезиларли даражада бўлиб, иккинчи томонда норма ёки бирмунча пасайиш сифатида кузатилди. Амплитуда ТБ ОА кечки босқичлари билан манфий корреляция берди, босқич ошган сари мушак фаоллиги кам, ўзгаришлар асосан m. Vastus medialis ва m. Rectusда сезилди, ТБ ОАда соннинг олд-медиал гуруҳ мушаклари заифлашиши исбот қилинди. Асимметрия и М-жавоблар кўрсаткичларининг пасайиши ОАнинг эрта босқичлари ривожланишидан дарак бериши исботланди. Семизлик ва мушаклар заифлиги бир-бирига хослиги, вазн қанча ошса, мушак заифлиги шунчалик кучайди (450 аёл, 61,73%), аналогик равишда ЭМГ ўзгаришлари СМЗ пасайиши билан ижобий корреляцияни кўрсатди (7-жадвал).

Варикоз ўзгаришлар (74,11%) мушаклар фаоллиги пасайишида боғлиқликни кўрсатди, варикоз частотаси ва мушаклар заифлиги кўпайди.

7-жадвал


Бирламчи ОАнинг кечки босқичларида СМЗ&ЭМГ ўртача қийматлари

ЭМГ, мкВ, N> 600,0	Норма билан фарқ	T-score, SD, N>-0,9	Норма билан фарқ
mm. Vastus medialis & Rectus	305,2 (2 марта камайган)	-3,4	-2,4 (2,5 марта камайган)

РГ ва УТТ симптомлари – БЁ торайиши (РГ), мениск пролапси (УТТ), параллель холатда аниқланиб, ТБнинг медиал сегментида кўпроқ учради,


мениск пролапси унинг ташқарига дислокацияси кузатилди. Натижалар кўрсатдики, на фақат РГ, балки УТТ ТБ ОА белгиларини эрта даврда диагностика қилишда батафсил маълумот олишда катта роль ўйнайди, РГнинг эса кечки босқичларда роли катта.

МСКТ&МРТ ТБни кесимларда ифодалаб, максимал аниқлик билан тоғай ости суяк тўқималари, тоғай ва юмшоқ тўқималар ҳолатини кўрсатди, гиалин тоғайи ҳолатини солиштирма ўрганилганда УТТда кўрилган ўзгаришлар МСКТ ва МРТда ҳам кўрилди, бунда МРТнинг афзалликлари контраст ва аниқроқ картина ҳисобига бирмунча устун бўлди (3-расм). РГ усули ТБ ОАда бирламчи диагностика усули сифатида ишлатилиб, БЁ торайиши, остеофитоз, субхондрал ўзгаришлар, медиал эпифизнинг баландлиги пасайиши каби симптомларни юқори сезгирликда аниқлаб берди, шуларни УТТ, МРТ ва МСКТ ҳам аниқлаб берди, МСКТ 3D вариантда НУ бирлигида КТ-зичликни субхондрал ва ғовак сохаларда аниқлаб берди, натижада 450дан 150НУ гача бирлик аниқланди, баъзан сийрак трабекулалар ҳисобига субхондрал кисталар, локал ОЯ ёки сийрак трабекул аниқланди, улар асосан катта болдир суяги медиал қисми кузатилди.



3-расм. ТБ ОАда нурли параллель симптомлар: РГ(а), УТТ (б,в,д), МРТ (г), МСКТ (е): БЁ торайиши (а,б,г,е), остеофитоз (а,б,в,г,е), мениск пролапси (в,г,е), гиалин тоғай юпқалашиши (г,д,е).


ПМ даврда ТБ ОА бўлган аёлларда VL1-4 умуртқаларида T-score кўрсаткичлари ва сон суяги проксимал қисми T-score кўрсаткичларига нисбатан барча гуруҳларда пастроқ натижаларни кўрсатди (4-расм).




4-расм. T-score (VL1-VL4) ва T-score (total hip) мезонларининг ТБ ОА ривожланишига қараб ўзгариши

Диаграммадан кўришиб турибдики, кўрсаткичларни таққослаш натижалари СМЗнинг пасайишининг бошланиши умуртқага (Т-скагенинг ўртача қиймати VL1-VL4 соҳасида -1,6, сон суяги соҳасида -1,3га тенг бўлди) хос бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

T-score асосан Spine VL1-VL4да 0,5SDдан -3,5 SDгача, total hipда эса 0,5SDдан -2,5SDгача аниқланди, бу ҳолат барча гуруҳларда кўринди, ОА ривожланиши билан total T-score пасайиши кузатилди (5а,б,в-расм).






В


5-расм. 1-асосий (а), 2-асосий (б) ва назорат (в) гурухларида ТБ ОА босқичлари ривожланиши билан Т-score ўртача қийматининг корреляция чизиғи динамикаси

1-асосий гуруҳда СМЗ ОАнинг эрта босқичларида кўпроқ пасайган, I-II-III босқичларда стабиллашган, III-IV босқичлардан яна пасайган. 2-асосий ва назорат гуруҳларда СМЗ корреляция чизиғи 1-асосий гуруҳга кўра текис пасайган, бу ОП ва ОА ўзаро алоқасини таъкидлайди, улар бир-бирини кучайтиради. ОП ОАни 0 ва I босқичларда кучайтиради, СМЗ шу даврда сезиларли пасаяди, бу ҳолат 2-асосий ва назорат гуруҳларида кузатилмади. СМЗ ва ёш ўртасидаги корреляция ёш ўсган сари СМЗнинг пасайишини тасдиқлади (6-расм).



6-расм. СМЗни аёллар ёши ўсиши билан динамик пасайиши

Т-score ва BMD ижобий корреляцияга эгаллиги тасдиқланди (7-расм).




7-расм. Т-score ва BMD боғлиқлиги (1-асосий гуруҳ)

СМЗ ПМнинг 5 йилдан кейинги даврида бир-бирига ўта боғлиқликни кўрсатмади: ПМнинг ўртача 13,91 йил даврида T-score ўртача қиймати 1-асосий гуруҳда -1,7; 2-асосий гуруҳда 6,9 йил даврида -0,73; назорат гуруҳда 7,78 йилда -0,92га тенг бўлди, менопаузанинг 5 йилидан кейин организм компенсатор кўникиши тасдиқланди.

Абдоминал турдаги семизликда *hip* соҳасида абдоминал ёғ қатлами хисобига T-score ўртача қиймати бирмунча баланд бўлди. Анъанавий ва таклиф қилинган қоринни бемор кўллари билан тортиб турган ҳолатда олинган СМЗ фарқи ўртача -0,8 ва -1,2SDни ташкил қилди, қалин ёғ қатламлари T-score маълумотларига салбий таъсир кўрсатгани исботланди.

Суяк метаболизми маркерлари ва СМЗ орасида ўтказилган корреляция кўрсатдики, барча гуруҳларда витамин D кўп ҳолларда пасайган, ва СМЗ билан ижобий боғлиқ, 1-асосий гуруҳда T-score ўртача -1,7 бўлганда, витамин D ўртача 11,4865 нг/мл; 2-асосий гуруҳда мос равишда T-score -0,7SD бўлганда 14,65 нг/мл; назорат гуруҳда T-score -0,9SD бўлганда витамин D 18,19 нг/млни ташкил этди, ижобий корреляция олинди (8а-расм), салбий корреляция обнаружена СМЗ ва β -crossLaps орасида аниқланди, СМЗ пасайганда резорбция кучаяди (8б-расм), резорбция ОА ривожига кўра ўсди.



8 а,б-расм. а – T-score ва витамин D ижобий корреляцияси;
б – T-score ва β -crossLapsнинг салбий корреляцияси

Са концентрацияси кўпинча пасайган ёки норманинг пастки чегарасида, айниқса СМЗ пасайганда, ва витамин D миқдори пасайган ҳолат билан бирга кечди. β -crossLaps ПМ даври билан боғлиқ бўлиб, у ошган сари стабиллашиб борди. Бирламчи ОАнинг 0-I-II босқичларда СМЗ ОЯ даражасида пасайди, III босқичда эса кўтарилди, бу ҳолат мўрт трабекулаларнинг бир-бирига яқинлашиб, иккиламчи қалинлик ҳосил қилиши билан боғлиқ, IV босқичда СМЗнинг иккиламчи пасайиши бошлади.

